

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Нарбеков Лутфулла Хамзаевич

ИИВ академияси магистратура тингловчиси

Барчамизга маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги масъулиятини оширишдан иборатдир¹.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар бугунги кунда ва келажакда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига раҳна солувчи, давлат ва жамият манфаатлари путур етказувчи энг хавфли иллатлардан бири саналади.

Шундан экан, ҳозирдан ушбу турдаги жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва фош этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилашимиз, бу борада ушбу иллатларга биздан бир неча йиллар олдиндан қарши курашиб келаётган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўзлаштиришимиз, ҳамкорликни йўлга қўйишимиз даркор.

Зотан, Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, бу борада биз ҳар куни изланишда бўлишимиз, хориждаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, ҳаётимизни, иш услубимизни янгилашга ҳаракат қилишимиз лозим².

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва фош этиш, уларга қарши курашиш бир неча йиллардан бери ҳалқаро ҳамжамиятнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

¹ Абдуллаев А.Й. Ёлғон гувоҳлик бериш: назарий ва амалий таҳлил //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2024. – Т. 4. – №. 11. – С. 60-75.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020> (Мурожаат қилинган сана: 10.05.2026)

2000 йил 22 июл куни “Катта саккизлик” мамлакатлари раҳбарлари саммитида қабул қилинган “Глобал ахборот жамиятининг Окинава хартияси”да халқаро ҳамжамиятнинг келажакдаги ривожланиш модели аниқ белгиланиб, “ахборот-коммуникация технологиялари XXI аср жамияти шаклланишига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири” эканлиги таъкидланди³.

Дарҳақиқат, илмий-техник тараққиёт нафақат турли хил тарихларга, маданиятларга ва ривожланиш даражаларига эга халқларнинг яқинлашишига, балки жиноятлар учун чегаралар йўқолишига олиб келган глобаллашув жараёнини тезлаштирди. Натижада жиноятлар уларнинг аниқланиши ва олдини олиш жараёнини мураккаблаштирган трансмиллийлик хусусиятига эга бўлди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги 55/25 резолюцияси билан қабул қилинган БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси қуйидаги шартларда жиноят трансмиллий хусусиятга эга эканлигини белгилайди:

- а) бирдан кўп давлатларда содир этилган бўлса;
- б) бир давлатда содир этилган, аммо уни тайёрлаш, режалаштириш, бошқариш ёки назорат қилишнинг муҳим қисми бошқа давлатда амалга оширилади;
- с) битта давлатда содир этилган бўлса-да, лекин бир нечта давлатда ўзининг жинойий фаолиятини амалга оширадиган уюшган жинойий гуруҳ иштирокида содир этилса;
- д) битта давлатда содир этилган бўлса, лекин унинг жиддий оқибатлари бошқа давлатга таъсир этса⁴.

БМТ НЖҚҚБ томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари, турли мамлакатларнинг ваколатли органлари амалиёти кибер жиноятларнинг 50-100 фоизи “трансмиллий элемент” билан боғлиқлигини кўрсатди⁵.

³ <https://docs.cntd.ru/document/901770887> (Мурожаат қилинган сана: 10.01.2025)

⁴ Бош ассамблеянинг 2000 йил 15 ноябрдаги 55/25 резолюцияси билан қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияси 3-моддаси

⁵ БМТ НЖҚҚБ. Kiberjinoyatlar bo'yicha ochiq hukumatlararo ekspertlar guruhi uchun hisobot loyihasi. «Kiberjinoatchilik muammosini har tomonlama tadqiq qilish». — 2013 y., 204-bet.

Европа, Осиё ва Океанияда трансмиллий кибержиноятларнинг нисбатан юқори улуши мавжуд. Африка, Америка мамлакатларида бу кўрсаткич пастроқ. Шу муносабат билан, глобаллашув ва рақамлаштиришнинг ушбу даврида халқаро ҳамкорликсиз, айниқса, кибержиноятларни самарали тергов қилиш имконсиздир.

Мамлакатларнинг ваколатли органлари ўртасида самарали ҳамкорликни шакллантириш бўйича тавсиялар ва талаблар халқаро шартномаларда ҳам, бир қатор давлатлар миллий қонунчилигининг қоидаларида ҳам белгиланади.

Жиноятчиликка қарши курашиш принциплари куч ишлатишни тақиқлаш ва куч ишлатиш таҳдидлари, халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик, халқаро ҳамкорлик, давлатларнинг суверен тенглиги ва давлатлар томонидан БМТ низомида ва дўстона муносабатларга ва давлатлар ўртасидаги ҳамкорликка оид халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларасиясида мустаҳкамланган мажбуриятларни содиқлик билан бажариш халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун асос ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида жиноий иш юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни амалга оширишда ўзаро келишув тамойилига содиқликни ҳам кўзда тутди.

Кўрсатиб ўтилган принциплар, асосан, давлатлар бошқа халқаро, минтақавий шартномаларнинг иштирокчилари бўлмаган ёки давлатлар ўртасида жиноятларнинг айрим турларини тергов қилишда халқаро ҳамкорликнинг алоҳида масалаларини тартибга солувчи икки томонлама ёки кўп томонлама шартномалар мавжуд бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Бошқа ҳолларда, аниқ халқаро, минтақавий, кўп томонлама ёки икки томонлама шартномаларнинг қоидалари қўлланилади.

Трансмиллий жиноятларга, шу жумладан, кибержиноятларга қарши кураш соҳасидаги кенг қамровли ва универсал ҳужжатлардан бири — БМТнинг 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияси (Палермо Конвенцияси) ҳисобланади.

Ушбу Конвенцияга мувофиқ “Иштирок этувчи давлатлар ушбу Конвенцияда кўзда тутилган жиноятларга қарши кураш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш чораларининг самарадорлигини ошириш учун ўзларининг ички ҳуқуқий ва

маъмурий тизимларига мувофиқ равишда бир-бири билан яқиндан ҳамкорлик қилишади. Ҳар бир иштирокчи давлат, хусусан, қуйидагиларга қаратилган самарали чораларни кўради:

а) бундай жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган шахсларнинг шахси, жойлашган ўрни ва фаолиятини ёки бошқа дахлдор шахсларнинг жойлашган ўрни;

б) бундай жиноятлардан ёки бундай жиноятлар натижасида олинган мол-мулкдан олинган даромадлар ҳаракати;

в) бундай жиноятлар содир этишда фойдаланилган ёки ишлатилиши мўлжалланган мулк, асбоб-ускуналар ёки бошқа воситаларнинг ҳаракатланиши⁶.

Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини ратификация қилиш тўғрисида”ги 2003 йил 30 августдаги 536-II-сонли қарори билан ратификация қилди.

Ушбу Конвенция замонавий технологиялар ёрдамида содир этилган трансмиллий уюшган жиноятларга қарши курашишда давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик чораларини кучайтириш зарурлигини таъкидлайди.

Аъзо давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ушбу Конвенция қамраб олган жиноятларга, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятларга нисбатан ўзаро ҳамкорлик учун асос сифатида кўриб чиқиши мумкин.

Шу билан бирга, ушбу Конвенция давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси сифатида қўлланилиши мумкин, агар жиноят:

трансмиллий характерга эга (белгилари юқорида тавсифланган) ва уюшган жиноий гуруҳ иштирокида содир этилган бўлса;

камида 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланса;

⁶ <https://www.unodc.org/documents/treaties/UNTOC/>(Мурожаат қилинган сана: 12.05.2026)

Конвенциянинг 5, 6, 8 ва 23-моддаларида аниқ кўрсатилган бўлса (жиноий даромадларни легаллаштириш, коррупция ва адолатга тўсқинлик қилиш билан боғлиқ жиноятларга тегишли).

Кибержиноятларни тергов қилишда ҳамкорлик қилиш масаласини тартибга солувчи ихтисослаштирилган ҳужжатлардан бири – бу МДХга аъзо давлатлар ўртасида ахборот технологиялари соҳасида жиноятларга қарши курашиш бўйича Битим (2018 йил 28 сентябрь) саналади.

Озарбайжон, Арманистон, Белорусия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Молдова, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон – ушбу Битим катнашчилари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.02.2019 йилдаги ПҚ-4188-сонли қарори билан 2018 йил 28 сентябрда МДХ давлатлари раҳбарлари кенгашининг мажлисида имзоланган МДХга аъзо давлатлар ўртасида ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни тасдиқлади.

Ушбу Битимни амалга ошириш бўйича ваколатли органлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси белгиланди.

Ушбу ҳужжат доирасида, ахборот технологиялари соҳасида қуйидаги ҳаракатларни (агар улар қасддан қилинган бўлса) тергов қилишда Битимга қўшилган давлатлар билан ҳамкорлик қилиш мумкин:

а) ахборотни йўқ қилиш, блокировка қилиш, ўзгартириш ёки нусхалаш, ахборот (компьютер) тизимининг ишлашини қонун билан ҳимояланган компьютер маълумотларига рухсатсиз кириш орқали халақит бериш;

б) зарар келтирувчи дастурларни яратиш, фойдаланиш ёки тарқатиш;

в) компьютер тизимидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан қонун билан қўриқланадиган компьютер маълумотларини йўқ қилишга, блокировка

қилишга ёки ўзгартиришга олиб келадиган қоидаларнинг бузилиши, агар бу хатти-харакатлар жиддий зарар ёки жиддий оқибатларга олиб келган бўлса;

г) компьютер оммавий ахборот воситаларида сақланадиган ёки маълумотлар тармоқлари орқали узатиладиган компьютер тизимида ишлов берилган маълумотни ўзгартириш ёки компьютер тизимига нотўғри маълумотлар киритиш орқали мулкни ўғирлаш;

д) қонун билан ҳимояланган компьютер маълумотларига рухсатсиз кириш билан;

ё) порнографик материаллар ёки вояга етмаган шахс тасвирланган порнографик хусусиятга эга объектларни Интернет глобал ахборот тармоғидан ёки бошқа электр алоқа каналларидан фойдаланган ҳолда тарқатиш;

ж) хавфсиз компьютер тизими ёки тармоғига рухсатсиз кира олиш учун маркетинг ёки махсус дастурий ёки аппарат воситаларини сотиш учун ишлаб чиқариш;

з) муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган компьютер тизимлари ва маълумотлар базалари учун дастурий таъминотдан ноқонуний фойдаланиш, Шунингдек, муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириш, башарти бу ҳаракат жиддий зарар етказган бўлса;

ё) Интернет глобал ахборот тармоғи ёки бошқа электрон алоқа каналлари ёрдамида белгиланган тартибда экстремистик деб тан олинган ёки террорчилик фаолиятини ёки терроризмни оқлашга қаратилган материалларни тарқатиш”.

Ушбу Битимнинг 4-моддаси иштирокчи давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг қуйидаги шакллари белгилайди:

а) маълумот алмашиш, шу жумладан:

ахборот технологиялари соҳасида ва улар билан боғлиқ бўлган жисмоний ва юридик шахслар томонидан тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар тўғрисида;

ушбу соҳадаги жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, унга йўл қўймаслик, очиш ва тергов қилишнинг шакллари ва усуллари тўғрисида;

ахборот технологиялари соҳасида жиноятлар содир этиш усуллари тўғрисида;
ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш,
унга йўл қўймаслик, очиш ва тергов қилишни тартибга солувчи миллий қонунчилик
ва Томонларнинг халқаро шартномалари тўғрисида;

б) уни сўраётган Томоннинг фуқаросига ёки сўраётган Томоннинг ҳудудида
тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун содир этилган жиноятларни аниқлаш,
олдини олиш, очиш ва тергов қилишга ёрдам бериши мумкин бўлган маълумотларни
олишга ёрдам сўровларини бажариш;

в) ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш,
уларга йўл қўймаслик, фош этиш ва тергов қилиш бўйича келишилган тадбирлар ва
операцияларни режалаштириш ва ўтказиш;

г) ходимларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда, шу жумладан,
стажировка ўташ, конференциялар, семинарлар ва ўқув курсларини ташкил
қилишда кўмаклашиш;

д) ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш,
уларга йўл қўймаслик, фош этиш ва тергов қилиш бўйича вазифаларнинг
бажарилишини таъминлайдиган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни
яратиш;

ё) нашрлар ва тадқиқотлар натижалари билан алмашиш, Шунингдек, ахборот
технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашда ўзаро қизиқиш
уйғотадиган масалалар бўйича қўшма тадқиқотлар ўтказиш;

ж) ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши кураш бўйича
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, илмий-техник адабиётлар алмашинуви;

з) ўзаро таъсир ўтказиш ва тажриба алмашиш орқали ахборот технологиялари
соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, уларга йўл қўймаслик, фош этиш
ва тергов қилишда фойдаланиладиган дастурий маҳсулотлар ва ечимлар
алмашинуви;

и) компьютер тизимларида сақланадиган маълумотларнинг тезкор сақланиши
тўғрисида сўровни бажариш;

к) бошқа ўзаро мақбул шакллар⁷.

Таъкидлаш жоизки, ушбу Битим юридик ёрдам сўраб мурожаат қилиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қила олмайди, аксинча норасмий (тезкор) ҳамкорликни назарда тутди.

Шу билан бирга, Битим маълумот тақдим этишни, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишни сўрашга имкон беради, уларнинг натижалари келажакда терговнинг бир қисми сифатида ўзаро ҳуқуқий ёрдам (амалиётчилар орасида “ҳалқаро тергов буйруғи” деб аталади) учун расмий сўров юбориш учун ишлатилиши мумкин.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга нисбатан, айниқса, муҳим бўлган нарса, Битим компьютер тизимларида сақланадиган маълумотларнинг тезкор хавфсизлигини таъминлаш учун сўровни бажариш имкониятини белгилайди. Маълумотни сақлаш бўйича чоралар кўрилгандан сўнг, тергов идоралари бундай маълумотларни олиш тўғрисида расмий сўров юборишлари мумкин.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорликни тартибга солувчи яна бир ихтисослашган ҳужжат — 2001 йил 23 ноябрда қабул қилинган Компьютер жиноятлари тўғрисидаги Конвенция (Будапешт Конвенцияси) ҳисобланади.

Палермо Конвенцияси сингари Будапешт Конвенцияси жиноий ишлар бўйича халқаро ҳамкорлик бўйича тегишли халқаро ҳужжатларни, қонунчиликнинг бир хиллиги ёки ўзаролиги асосида келишилган битимларни, шунингдек, компьютер тизимлари ва маълумотлар билан боғлиқ жиноятлар ёки электрон шаклдаги жиноят далилларини йиғиш учун тергов ёки жиноий жавобгарликка тортиш учун ички қонунларни қўллаш орқали давлатлар ўртасидаги кенг ҳамкорлик муҳимлигини таъкидлайди.

Кибержиноятчиликка қарши Будапешт Конвенцияси 2001 йил 23 ноябрда интернет ва компьютер жинояти (кибержиноят)ларни уйғунлаштириш орқали

⁷ <https://lex.uz/docs/4748982>(Мурожаат қилинган сана: 12.05.2026)

миллий қонунлар, тергов усулларини такомиллаштириш ва халқлар ўртасидаги ҳамкорликни ошириш юзасидан имзоланган Конвенция ва унинг изоҳли маърузаси Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг 2001 йил 8 ноябрдаги 109-сессиясида имзоланган учун Будапештда очилган ва 2001 йил 23 ноябрда кучга кирган. 2019 йил сентябрь ойига қадар 64 давлат ушбу Конвенцияни ратификация қилган. Яна тўртта давлат Конвенцияни имзолади, аммо уни тасдиқламади. У кучга киргандан буён Бразилия ва Ҳиндистон каби муҳим давлатлар Конвенцияни ишлаб чиқишда қатнашмаганликлари сабабли қабул қилишдан бош тортдилар. Бу кибержиноятчиликни тартибга солувчи биринчи кўп томонлама ҳуқуқий мажбурий воситадир⁸.

2018 йилдан бошлаб, Ҳиндистон кибержиноятчилик кучайганидан кейин Конвенциядаги позициясини қайта кўриб чиқмоқда, аммо чет эл агентликлари билан маълумот алмашиш хавотирлари уни ратификация қилишдан тўсиб қолмоқда.

2006 йил 1 мартда Кибержиноятчилик тўғрисидаги Конвенцияга қўшимча протокол кучга кирди. Қўшимча протоколни ратификация қилган давлатлар ирқчи ва ксенофобик компьютер тизимлари орқали материал, шунингдек, ирқчилик ёки ксенофобия томонидан таҳдид ва ҳақорат тарқатишни жиноий жавобгарликка тортишлари шартлиги белгиланди.

Конвенция Интернет ва бошқа компьютер тармоқлари орқали содир этилган жиноятлар бўйича биринчи халқаро шартномадир, хусусан муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши, компьютер билан боғлиқ фирибгарлик, болалар порнографияси, таҳдид жиноятлари ва тармоқ хавфсизлиги жиноятларига ўз ичига олади. Шунингдек, у компьютер тармоқларини қидириш ва қонуний ушлашга доир қатор ваколатлар ва процедураларни ўз ичига олади. Унинг муқаддимасида келтирилган асосий мақсади жамиятни ҳимоя қилишга қаратилган умумий жиноят сиёсатини олиб боришдир. Шунингдек, кибержиноятларгадир тегишли қонунларни қабул қилиш ва жорий

⁸ <https://www.coe.int/en/web/cybercrime/home>(Мурожаат қилинган сана: 13.05.2026)

этиш орқали халқаро ҳамкорликни тарғиб этади. Конвенция асосан қуйидагиларга қаратилган:

кибержиноятчилик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ва улар билан боғлиқ қоидаларни ички жиноят моддий-ҳуқуқий элементларини уйғунлаштириш;

ички жиноят-процессуал қонунчилигини тергов қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган ваколатларни, шунингдек, электрон тизимда бўлган компьютер тизими ёки далиллар ёрдамида содир этилган бошқа ҳуқуқбузарликларни таъминлаш;

ҳалқаро ҳамкорликнинг тезкор ва самарали режимини ўрнатиш Конвенция томонидан қуйидаги ҳуқуқбузарликлар белгиланган: ноқонуний кириш, ноқонуний йўл билан тутиш, маълумотларга аралашиш, тизимга аралашиш, қурилмалардан нотўғри фойдаланиш, компьютер билан боғлиқ қалбакилаштириш, компьютер билан боғлиқ фирибгарлик, болалар порнографиясида муаллифлик ҳуқуқи ва қўшни ҳуқуқлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлардир⁹.

Хулоса сифатида шунини таъкидлаш мумкинки, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда халқаро ҳамкорликни ўрни беқиёс саналади. Чунки ушбу турдаги жиноятлар муайян чегара билан ажратиб қўйишни имкони бўлмаган ахборот маконида содир этилади. Шунингдек, ушбу турдаги жиноятларни бошқа жиноят турларидан фарқли равишда дунёнинг ҳоҳлаган бурчагида туриб содир этиш мумкин. Ҳалқаро ҳамкорликни йўлга қўймасдан туриб эса бундай жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва фош этиш деярли имконсиз саналади. Шундай экан бу борада халқаро ҳамжамият билан узлуксиз тарзда ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

⁹ <https://rm.coe.int/1680081611>(Мурожаат қилинган сана: 13.05.2026)